SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 16-AVGUST ■ SHANBA ■ 95 (27.115) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ҚИРҒИЗИСТОН ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Саидмурод Раҳимов). Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан 15 август куни Қирғизистон Республикаси Бош вазири Николай Танаев раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов раҳбарлигидаги делегация билан бўлиб ўтган музокарада икки мамлакат ўртасида давлат чегараларининг делимитацияси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Томонлар бу борада келгусида амалга ошириладиган ишларни ташкил этиш борасида фикр алмашди.

Икки давлат ўртасидаги чегара узунлиги 1200 километр масофани ташкил қилади. Ҳозирги пайтгача унинг асосий қисми белгиланган ва расмийлаштирилган.

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги давлат чегараларини делимитация қилиш ишларини ниҳоясига етказиш борасидаги зарур чоралар белгилаб олинди. Шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашилди.

Музокара якунида икки мамлакат ҳукумат делегациялари раҳбарлари муҳокама этилган масалалар юзасидан якуний протоколга имзо чекди.

САОДАТЛИ КУНЛАР ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

ДЕЙДИ ПАРКЕНТ ТУМАНИДАГИ «ЗАРКЕНТ» ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ТОЖИВОЙ РИЗАЕВ



Тоживой ака, паркентликлар сизни нафақат илғор хўжалик раҳбари, кўпни кўрган донишманд оқсоқол сифатида ҳам қадрлашар экан. Ҳаётнинг кўп аччиқ-чучукларини кўрган инсон сифатида Заркент ҳақида, мустақиллик ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.

— Олимларимиз Заркент тарихини икки минг йилдан ошиқ дейишади. Тоғлар бағридаги бу қадимий масканни шоирлар жаннат гўшаси, деб таърифлашади. Бу ернинг ҳавоси ҳам, одамлари ҳам ўзгача. Сирасини айтсам, кейинги 12 йил — мустақиллик даврида одамларимиз кўксига шамол тегди, десам муболаға эмас. Гап шундаки, юртимиз мустақилликка эришгандан бери одамларнинг ватанга, меҳнатга, мулкка, моддий-маънавий манфаатдорликка бўлган муносабатлари тамомила ўзгарди. Шунинг учун айтаманки, мустақиллик халқимизнинг буюк ютуғи. Уни ҳар қанча қадрласак, мустаҳкамлашга ҳаракат қилсак арзийди.

Қаранг, ҳар соҳада чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хорижга бемалол бориб келаётганимизнинг ўзи катта ютуқ. Ёшларимизнинг иқтидори ҳақида қайғуриш, экспорт-импортнинг бардавомлиги, хориж сармоясини жалб қилиш, янги корхона ва фирма очиш ҳам бозор иқтисодиёти самараси.

Муҳими, истиқлол туфайли юртимиз номи курраи заминнинг турли элат ва миллатлари талаффузида жаранглямоқда. Қайси мамлакатга борманг, Ўзбекистон деганда, одамлар аввалгидек елка қисмай: «О, Ўзбекистон! Окей, Каримов!» деган мулозаматдан бошимиз осмонга етмоқда. У ерларда байроғимиз хилпираб турганини кўрганингда, ғуруринг янада ортганини ҳис этасан.

— Юрт келажаги халқимизнинг бунёдкор меҳнати эвазига яратилаётган моддий неъматларга ҳам боғлиқ албатта. Шу маънода «Заркент»нинг имкониятлари қандай?

— Тадбиркорлик кишидаги имкониятларни тасарруф этишга йўл очади. Айтмоқчи бўлганим, ўз ерим, боғим, чорвам, деган тушунчалар меҳнат аҳлининг кўнглига ўрнашди. Энди улар ғайрат кўрсатган кам бўлмаслигини, самарасидан элимиз бахрамандлигини яхши биладилар. Шунинг учун қарийб 600 гектарлик токзор «Заркент» ширкат хўжалиги аъзоларига тақсимланган. Ҳар бир соҳибкор режани уддаласа қанчаю, ортиғи билан бажарса қандай манфаатдор бўлиши ҳақида ўйлайди. Заркентликларнинг моддий манфаатдорлиги эса қурилаётган уй-жойлар, енгил машина, тўю тантаналарда ўз ифодасини топмоқда. Яхши ишлаётганлар бир миллиондан беш миллионгача даромад кўраётгани ҳам ҳуррият шарофатидан.

— Кейинги йилларда Заркент қиёфаси ўзгариб, янада кўркам қишлоққа айланди. «Обод маҳалла йили»даги ўзгаришлар, умуман, қишлоқ инфратузилмаси ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Истиқлол йилларида Заркентдаги янгиликлар шуки, энди мўрилардан тутун осмонга ўрламайди — хонадонлар газлаштирилган. Уй бекаларининг юмушлари енгиллашган. Яна бир ютуқ: кўча-кўйда обкашда сув ташиётганлар учрамайди, боиси, аҳоли ичимлик сув билан таъминланган. Стадион, чойхона бор. Заркентда ҳар соҳада мутахассис-кадрлар топилади. Демак, ёшларимиз маънавияти замонга муносиб тарзда бойимоқда. Учта болалар боғчаси мавжуд. «Истора» болалар боғчаси тарбияланувчилари вилоят кўригида ғолиб бўлиб, республика баҳсига ҳозирланяптилар. Қишлоқ йўллари асфальтланган. Учта мактаб, гилам тўқиш корхонаси, маиший хизмат шахобчалари ишлаб турибди. Бизда болалар спортини ривожлантириш, фарзандлар бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун шароитлар етарли. Мактабларимиз спорт залига, майдончасига эга. Спорт кийим-бошлари, инвентарлари билан таъминлашни хўжалик ўз зиммасига олган. Маҳалла, участка, бригадаларо катта-кичик мусобақалар уюштирилиб турибди.

Деҳқончиликда эмин-эркин иш юритяпмиз. Юқоридан келадиган кўрсатмаю зуғумлар йўқ. Шароитдан келиб чиқиб ўзимиз қишлоқ хўжалигининг қайси соҳаси даромадли бўлса, шунга эътибор қилаяпмиз. Узум, майиз, шарбатга эҳтиёж катта. Токзорларни кенгайтириб, навини яхшилаб, маҳсулот сифатини оширишга уринаяпмиз. Билишимча, хорижликлар вино тайёрлашга алоҳида аҳамият беришади. Биз ҳам заводимизда тайёрланган маҳсулот халқаро андозаларга мос бўлиши учун курашаяпмиз. Ният — дунё мамлакатларига ана шундай маҳсулотдан кўпроқ етказиб бериш. Албатта, «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси маҳсулотимизни бочкаларда олиб, қадоқлаб, талабчан истеъмолчилар таъбига мослаб экспорт қилишни йўлга қўйган.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз яқинлашмоқда. Бундай қутлуғ айёмни ёруғ юз, фахр-ифтихор билан кутиб олиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА суҳбатлашди

«ҚАШҚАДАРЁ: ИСТИҚЛОЛ АРАФАСИДА»

«Маънавият» нашриёти таниқли олим ва ёзувчи, публицист Поён Равшановнинг «Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986-1989 йиллар» китобини нашрдан чиқарди.

Ватанимизнинг истиқлол йўлидаги курашлар тарихида Президентимиз Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятида раҳбар бўлиб ишлаган даври алоҳида ўрин тутади. Халқимиз, миллатимиз учун ўта оғир ва мураккаб бўлган ўша йилларда Юртбошимиз Қашқадарё халқи билан елкама-елка туриб, аввало, воҳа аҳолисининг дарду ташвишларини баҳам кўриб, тобора кучайиб бораётган хавф-хатарга қарамай, собиқ Марказдан юборилган Гдлян ва Иванов бошлиқ қора кучларга қарши мардона курашган, қонли қатағонлар йўлига ғов бўлиб, қанчадан-қанча одамларнинг ҳаётини сақлаб қолган, уларни зулм ва зўравонлик, хўрлик ва ҳақоратлардан ҳимоя қилган эди. Қисқа муддатда одамлар билан тил топишиб, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан кескин муаммолар гирдобида қолган вилоятнинг қаддини тиклаб, уни ривожланиш йўлига олиб чиққан эди.

Мазкур китобда ана шу унутилмас воқеалар ҳақида аниқ тарихий далил ва ҳужжатлар асосида атрофлича ҳикоя қилинган. Шуни ҳам айтиш керакки, бугун истиқлолимиз тарихининг ёрқин бир саҳифасига айланган ўша давр воқеалари унга бевосита гувоҳ бўлган, Ислом Каримов билан ёнма-ён ишлаган одамларнинг жонли хотиралари орқали баён этилган.

1986 йили республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари — Давлат план комитети раиси бўлиб ишлаётган Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятига жўнатилиши ва бу воқеанинг ўзига хос тарихи, воҳадаги маънавий иқлимни, хўжалик ҳаётини яхшилаш, одамларнинг қаддини кўтариш ва уларни бунёдкорликка сафарбар этиш билан боғлиқ оғир ва сермашаққат жараёнлар китобда ўзининг ҳаққоний ифодасини топган.

«Тарихчилар билан учрашувда вилоятимиз раҳбари, дунёни гўзаллик қутқаради деган машҳур фикрга қўшимча қилиб, инсонни яхшилик қутқаради, дегани ёдимда, — деб ёзади китоб муаллифи. — Бу ғоят чуқур маъноли гап вилоят раҳбарининг ҳаёти, раҳбарлик фаолияти маъно-мазмунини ифода этарди. У ўзининг ана шу ҳаётий принципидан келиб чиқиб, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга, оддий халққа ҳамдард бўлиб яшашга асосий эътиборни қаратди».

Китобдан ўрин олган тарихий суратлар ўша давр руҳини ёрқин ифода этади. Бундан қарийб ўн беш йил муқаддам Қашқадарё заминида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ҳақидаги эсдаликларни ўқир экансиз, бу кунларга осонликча етиб келмаганимизни, озодлигимиз, истиқлолимиз қандай матонатли, тенгсиз курашлар билан қўлга киритилганини янада чуқурроқ ҳис этасиз. Кечаги кунимизни англашда, тарихни ҳаққоний ифода этишда бундай хотираларнинг аҳамияти беқиёс эканига иқрор бўласиз. Шу маънода, ушбу китобнинг мустақиллик тарихимизни ўрганиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент шаҳар матбаа комбинатида чоп этилган.

(ЎзА)

Долзарб мавзу

СПОРТ ТАРБИЯЛАЙДИ, ТОБЛАЙДИ, ЭЛГА ТАНИТАДИ

ШУ БОИС ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Халқимиз азалдан зоти-зурриёди саломатлиги, камолоти ҳақида қайғурган. Полвонлик, чавандозлик, чавгон каби спорт ўйинлари оммавий тус олган. Мустабидлик йилларига келиб эса миллий қадриятларимиз топталди. Миллат саломатлиги ҳукмдорларни қизиқтирмади. Аксинча, улар халқимиз саломатлигидан, йигитларимиз жисмонан баркамол бўлишидан мутлақо манфаатдор эмасди.

Мустақиллик йилларида юртимиз фарзандлари саломатлиги йўлида кўплаб хайрли ишлар қилинди ва қилинмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросига доир ҳукумат қароридан кўзланган бош мақсад ҳам соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган. Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзанди камоли ва бахтини ўйлайди. Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, спорт ҳар бир оиланинг доимий ҳамроҳига айланиши керак. Тўғриси, болалар спорти оммавий ҳаракатга айлансагина мақсадимизга етамиз.

Спорт бу — саломатлик гарови, тарбия воситаси, дунёга танилишнинг энг қулай усули. Спорт — чиниқтиради, руҳни тетиклаштиради. Спорт — ёш авлодни мард ва жасур қилиб тарбиялайди, тоблайди. Фарзандларимиз билимли ва юксак маънавиятли бўлиб вояга етишида унинг ўрни беқиёс. Спортга ошно қалб ёмон кўчаларга кирмайди. Шу жиҳатдан ҳам болалар спорти халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиб оммавий ҳаракатга айланмоқда.

Хўш, болаларни спортга оммавий жалб этиш учун яна нималарга эътибор бермоғимиз лозим? Болани ахлоқ-одобли қилиб тарбиялашда, саломатлигини мустаҳкамлаш, иродасини тоблашда спортнинг аҳамияти қандай?

Яқинда газетамиз таҳририятида ўтказилган давра суҳбати ушбу масалаларга бағишланди. Унда иштирок этган мураббийлар, шифокорлар, ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла оқсоқоллари, ички ишлар ходимлари ва бошқа бир қатор мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

2-бет

Байрам тараддуди

ҚУТЛУҒ КУННИ ҚАРШИЛАБ

Бизга хос одат, улуғ кунлар олдидан элимиз янада муштарак бўлиб ҳашарга отланади. Юртимиз улкан байрам — мустақилликнинг 12 йиллик тантаналари арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 августдаги фармойишига асосан истиқлолимизнинг ўн икки йиллигига тайёргарлик кўриш юзасидан шу йилнинг август ойида мамлакат бўйлаб «Маҳалла обод — Ватан обод» шиори остида ободонлаштириш ойлигини ўтказиш, 16 август куни эса умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш белгиланган.

Кеча пойтахтимизнинг Миробод тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган анжуманда ҳашар муносабати билан мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасалардан «Маҳалла» хайрия жамғармасининг банкдаги жорий ҳисоб рақамига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказилиши таъкидлаб ўтилди.

— Умумхалқ ҳашаридан тушган маблағ туманимиз маҳаллаларини ободонлаштиришга сарфланади, — дейди туман ҳокими Азиз Тўраев. — Унинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламини моддий қўллаб-қувватлаш, оммавий спорт турларини ривожлантиришни кўзда тутяпмиз. Гапнинг очиғи, айрим маҳалла қўмиталари жойлашган хоналар аҳволи қониқарли эмас. Ваҳоланки, у маҳалланинг остонаси, кўзгуси бўлиши лозим.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессияси олдидан

ХУСУСИЙ КОРХОНА — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ!

Парламентимизнинг XII сессияси муҳокамасига биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам киритилмоқда.

Қонун лойиҳасида хусусий корхонанинг ҳуқуқ ва масъулиятлари аниқ ифодалаб берилган.

Шунинг билан бирга, Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида, қуйидагиларни таклиф қилишни жоиз деб топдим.

Қонун лойиҳасининг 18-моддасини қуйидагича қўшимча билан тўлдиришни таклиф қиламан: **«Хусусий корхона ходимларининг сони чекланмайди».** Чунки, беш нафар ходим билан иш бошлаган хусусий корхона ривожланиб, бундан бир неча баробар кўпроқ одам ишлайдиган корхонага айланиши мумкин. Бу бозор талаби, корхона эгасининг ишбилармонлиги ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқ. Агар лойиҳага бундай қўшимча қилинмаса, хусусий корхона рўйхатдан ўтиш жараёнида ёки фаолият кўрсата бошлаганидан сўнг, бу масала кўтарилиши мумкин.

Лойиҳанинг 19-модда, иккинчи хатбошиси қуйидагича матнда баён этилган: «Хусусий корхонада ишлайдиган шахсларнинг меҳнатига меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ҳақ тўлаш томонларнинг келишувига кўра, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам **иш** ҳақидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади». Ушбу хатбошида ишлатилган **«иш»** сўзини **«меҳнат»** сўзи билан алмаштириш лозим, чунки Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида (IX боб, 153-155 моддалар) **«иш ҳақи»** эмас, **«меҳнат ҳақи»** деб ифода этилган.

Лойиҳа 20-моддасининг, иккинчи хатбошисида ишлатилган **«қонун ҳужжатлари»** сўзларини «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси» деган сўзлар билан алмаштириб, қуйидагича матнда баён этилишини таклиф қиламан: «Хусусий корхона ўз ходимларига **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида** белгиланганига нисбатан имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни мустақил белгилашга ҳақли». Шунинг билан бирга, ушбу моддани қуйидаги жумла билан давом эттиришни таклиф қиламан: **«Ходимларнинг меҳнат вақти Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига асосан белгиланиши шарт».**

Ушбу Қонун лойиҳасининг 21-модда, биринчи хатбошисида ишлатилган **«национализация»** сўзидан кейин, қавс ичида **(хусусий мулкни давлат мулкига айлантирган),** деб берилса кўпчиликка тушунарли бўлар эди.

Шунингдек, мазкур моддани, иккинчи хатбошисида ишлатилган **«реквизиция»** сўзидан кейин, қавс ичида **(молмулкни қийматини тўлаш шарти билан мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиш)** ҳамда **«эпизоотиялар»** сўзидан кейин, қавс ичида **(ҳайвонларда кенг тарқаладиган юқумли касалликлар),** деб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умуман олганда, Қонун лойиҳаси анча мукаммал ишланган бўлиб, у биринчи ўқишда Олий Мажлис депутатлари муҳокамасидан сўнг, умумхалқ муҳокамасига чиқарилса, янада пишиқроқ бўлади. Маромига етказиб қабул қилинган Қонун мамлакатимизда хусусий корхоналарнинг кўпайишига, бозор талабларига яраша тикланаётган иқтисодиётимиз ривожланишига хизмат қилади. Демакки, халқимизнинг фаровонлиги ошишининг муҳим омили бўлади.

Қодир ОДИЛОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги Эксперт-лар гуруҳи аъзоси.

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Долзарб мавзу

СПОРТ ТАРБИЯЛАЙДИ, ТОБЛАЙДИ, ЭЛГА ТАНИТАДИ

ШУ БОИС ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗДА БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мажид АБДУЛЛАЕВ, Собир Раҳимов туманидаги «Корасарой» маҳалласи оқсоқоли:

— Маҳалламиз 1999 йил ташкил топган. Ҳудудимизда Агрегат заводининг «Истиқлол» ўйингоҳи, битта ўрта мактаб спорт зали ва майдони, Республика таълим марказининг «Ёш техниклар» ижодиёти уйи жойлашган. Бу фарзандларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун жуда қўл келяпти. Бугун маҳалла болалари жамоатчилик эътиборида. Илгари уларнинг орасида тарбияси ёмон, сигарет чекадиган, спиртли ичимликлар ичадиганлари кўп эди. Маҳалла оқсоқоллари кенгашиб, тадбиркор, ишбилармон ота-оналарни жалб этдик. Маблағ топиб, янгиянги спорт тўгараклари очдик. Бу ўз самарасини бераяпти. Мана, яқинда маҳалламиздаги 15-16 ёшли болалардан ташкил топган футбол жамоаси «Футболимиз келажаги» республика мусобақасининг шаҳар босқичида 2-ўринни эгаллади. Финал учрашувини «Пахтакор» стадионида ўтказган маҳалламиз болаларининг хурсандчилигини кўрсангиз эди... Ана шу мусобақа кунларида маҳалламизнинг барча каттаю кичиги футбол нафаси билан яшади, десам лоф бўлмайди.

Тўғри, ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Бугун ўзига тўқ, бақувват оилаларнинг аксарияти тўй-маъракалар учун ортиқча харажатларни кўпайтирмоқда. Бундан кўра спорт майдончаларини оталиққа олишса, ўз фарзандларини спорт тўгаракларига беришса бўлмайдими?

Нигора ШЕРМУҲАМЕДОВА, Ҳамза туманидаги 18-оилавий поликлиника бош шифокори:

— Бозорларимизга кирсангиз савдо-сотиқ қилаётган ёш болаларни кўриб дилингиз оғрийди. Бирови нон, яна бошқаси сигарета сотаяпти. Ҳеч ким улардан «Сен нима қилаяпсан?» деб сўрамайди. Тўғри, бугун бозор иқтисодиёти шароитида қийинчиликлар учраб турибди. Аммо ҳозир ота-онамга 500-600 сўм ишлаб, ёрдам қиламан деган боланинг келажаги қандай бўлади? Бу ҳақда ота-оналар ўйлаб кўришяптими? Нега айнан китоб ўқийдиган, спорт билан шуғулланадиган, чиниқадиган вақтларида уларни бозорга чиқариб юборяпмиз?

Мен раҳбарлик қилаётган 18-оилавий поликлиника 12 та маҳалла аҳолисига хизмат қилади. Поликлиникамиз Янгиобод даҳасида жойлашган. Қувонарлиси, маҳалламизда болалар спорт билан шуғулланишади. Тез-тез маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари аъзолари билан учрашиб, суҳбатлашиб тураман. Баъзан аёллардан сўраб қоламан: «Эрталаб туриб бадан тарбия қиласизларми?». Ҳаммаси мийиғида кулиб қўйишади. Аҳир, ҳамма нарса оиладан бошланади-ку!? Шахсан ўзим умр бўйи спорт билан шуғулланиб келаман. Ҳозир ҳам ҳар куни эрталаб туриб югураман. Бу албатта, иш қобилиятимни яхшилайди. Жисмоний тарбия билан шуғулланишни оила аъзоларимдан ҳам, ишхонамдагилардан ҳам талаб қиламан.

Матлабхон АЛИМОВ, Акмал Икромов туманидаги 106-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси:

— Очиғи, сизлардаги шарт-шароитларга ҳавасим келди. Бизнинг 106-мактаб жойлашган Шароф Рашидов номли маҳаллада бирорта спорт майдончаси йўқ. Яқинда маҳалла оқсоқоли билан учрашиб, лоақал минифутбол майдони қурайлик, дедим. Бу майдончада баскетбол тўсини, тўрини ўрнатса ҳам бўлади. Агар маҳалла оқсоқоли жой масаласини ҳал этса, биз мактаб ўқувчилари билан майдонни ҳозирлаш учун ҳашар қилишга тайёрмиз.

Энди ўрта мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг ўқитилиши хусусида тўхталадиган бўлсак, албатта мақтагулик эмас. Мисол учун, 4-, 9-, 11-синф ўқувчилари жисмоний тарбиядан имтиҳон топширадилар. Шунда уларнинг спорт ўйинлари бўйича назарий билимлари етарли эмаслигининг гувоҳи бўласиз. Барча спорт турлари тўғрисида маълумот берадиган дарсликлар, қўлланмаларни ёзиш вақти етди, деб ўйлайман.

Карим АҲМЕДОВ, Тошкент шаҳридаги 203-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси:

— Фикрингизга қўшимча қилмоқчиман. Спортчиларимиз бир нечта Олимпия ўйинлари, жаҳон, қитъа чемпионатлари ва бошқа йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиб келишмоқда. Натижа ва кўрсаткичлар яхши. Аммо журналистлар, мутахассисларимиз томонидан Олимпиада ўйинлари ёки жаҳон биринчиликлари тўғрисида мукаммал китоблар ёзилмади. Менимча, бундай китоблар ёшларимизнинг назарий билимлари, маънавиятини бойитиб, Ватанга меҳрини янада оширади. Спорт журналистлари хафа бўлишмасину, репортаж олиб бориш, ахборот ёзиш бошқа, болаларга таъсир этадиган мақола ёки кўрсатув бошқа нарса.

Дилором НИШОНБОЕВА, Собир Раҳимов тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўлими катта инспектори, милиция майори:

— Жуда тўғри гап. Спортга кириб келаётган, келгусида спортчи бўламан, деб ўз олдига катта мақсадларни қўяётган ёшларимизнинг ахлоқ-одоби, дунёқараши, мафкураси ҳам барчани ўйлантириши керак. Кузатсангиз, хориж спортчилари тузуккина шоир, санъаткор, ҳатто ўз ҳаётлари ҳақида китоблар ёзганликларининг гувоҳи бўласиз. Ҳатто, улар кинофильмларда роллар ижро этишмоқда. Хуллас, улар жамоат ишларида ҳам фаол.

Бугунги ёш спортчиларимиз эртага ўзга мамлакатларда юрт шаънини ҳимоя қиладилар. Спортчиларимиз халқаро мусобақаларга боришаркан, ўз юртининг тарихи, маданияти, ривожланиши тўғрисида етарли билимларга эга бўлишлари лозим, деб ўйлайман. Чунки, болаларимиз моҳир спортчиларга эргашади. Уларга ҳавас қилишади.

Раъно КАРИМОВА, Тошкент шаҳридан, каратэ бўйича икки карра жаҳон кубоги соҳиби, Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони Икром Каримовнинг онаси:

— Ҳар бир шахснинг шаклланишида атроф-муҳит ва оила катта аҳамият касб этади. Масалан, ёш боланинг энергияси шунақа кўп бўладики, у ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам ураверади. Агар шу вақтда ота-она боланинг кучини сарфлашни тўғри йўлга қўя олса, бола соғлом ва зеҳни ўткир бўлиб вояга етади. Тўрт фарзанднинг онасиман. Ўзим Иқтисодиёт университетида дарс бераман. Ишга қатнаш билан бирга, болаларимни беш ёшидан спорт тўгаракларига олиб борганман. Уларни дастлаб сув спортига берганмиз. Уч-тўрт йил сузиш билан шуғулланишгач, кейин катта ўғлим каратэ тўгарагига қатнай бошлади. Боланинг машғулотларга ўзи боргани бошқа, сиз билан бирга боргани бўлакча. Спорт туфайли болаларим соғлом улғайишди, олий ўқув юртларига ўқишга киришди. Кенжамиз Икромжон жаҳон кубогини қўлга киритди. Спорт билан шуғулланган бола иродали, кучли ва тартибли бўлади. Чунки, унинг бекорчи ишларга фурсати бўлмайди. Спорт туфайли ўғлим Икромжон дунёнинг ўн бешдан ортиқ мамлакатини кўрди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига тест синовларисиз имтиёзли ўқишга қабул қилинди. Бирон бир ишимиз самарасиз кетмади. Ота-оналар фарзандлари учун вақт ажратсалар, эътибор берсалар, маънавий қўллаб-қувватлаб турсалар фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яна бир гап, болалар спортини ривожлантириш учун жамоат ташкилотларининг роли оширилса. Биз Чилонзор тумани Олмазор маҳалласида истиқомат қиламиз. Маҳалламизда мактаблар, олий ўқув юртлари бор. Улар спорт ишларини яхшилаш учун маҳалла билан ҳамкорлик қилишса яхши бўларди. Маҳалламизда қаровсиз ётган спорт майдони бор эди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими шу майдонни оталиққа олди. Ҳозир бу ер болалар билан гавжум. Маҳаллаларда тадбиркор, ишбилармон кишилар бор. Улар ҳам бир четда қараб турмасдан бу ишга бош қўшишса...

Тўлқин ҲАЙДАРОВ, Акмал Икромов туманидаги Бешқайроғоч маҳалласи оқсоқоли, 193-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси:

— Болаларни камолга етказишда оила, мактаб, маҳалланинг ўрни беқиёс. Мен 35 йилдан бери мактабда ёшларга таълим бераман.

Кўпинча ота-оналарнинг спорт тўгараклари пуллик, болаларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун рўзғордан пул орттира олмаймиз, деган гапларини эшитаман. Бу гапларга қўшилмайман. Шундайлар бор, кунига қимматбаҳо сигареталар олиб чекишади. Ўртоқлари билан йиғилишиб, чойхоналарда ўтиришади. Лекин фарзандига копток олиб беришга ёки спорт тўгарагига қатнаши учун маблағ топиша олмайди. Хўш, бундайларга қандай баҳо бериш керак? Тўғри айтдингиз, болаларни спортга жалб этишда ота-она қайғурса, жон қойитса боласи соғлом бўлади. Соғлом болалар юрт бойлиги-ку.

Очиғи, болалар спортини ривожлантириш учун менимча маҳаллакўй, ота-оналар аҳиллик билан ишлаб, мактабларимиздаги спорт майдонлари, спорт залларини эпақага келтириб, унумли фойдаланса кифоя. Мана яқинда «ФарМед» деган дори тайёрлайдиган корхона маҳалламиздаги 116-мактаб спорт залини таъмирлаш учун икки миллион сўм маблағ ажратди. Бугун маҳалладагилар «ФарМед»дагиларни дуо қилиб ўтирибди...

Дилдора БОБОХОНОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 76-болалар боғчаси мудираси:

— Бугун боғчаларга қатнаётган болалар орасида нимжонлари ҳам оз эмас. Халқ таълими вазирлигининг 2002-2005 йилларга мўлжалланган «Соғлом авлод» дастури асосида ишимизни ташкил этяпмиз. Болага боғча ёшидан эътибор бериш керак. Бола шу ёшда жуда ҳаракатчан бўлади. Агар биз шу ҳаракатни жисмоний тарбияга, спортга йўналтира олсак, жуда яхши бўлади. Шуни ҳисобга олиб, боғчамизда болалар ўртасида ёшига қараб кураш, футбол турлари бўйича «Соғломжон — полвонжон» деб номланган мусобақалар ташкил этиб бораяпмиз. Бунда ота-оналар ҳам фаол иштирок этмоқда. Яқинда тумандаги 171-болалар боғчасида «Отам, онам ва мен» деб номланган оилавий спорт мусобақаси ўтказилди. Бунда туманимиздаги кўпгина болалар боғчалари жамоалари ҳам қатнашдилар. Ана шу ижобий саъй-ҳаракатлар мактабда ҳам давом эттирилса, спорт болаларимизнинг кундалик машғулотига айланиши шубҳасиз.

Илгари болалар боғчаларини қуришда улар учун спорт заллари барпо этиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Аммо буни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Боғчамизда иккита мусиқа хонаси бор эди, ота-оналар ёрдамида шунинг биттасини ихчам спорт залига айлантирдик. Ишимизни эрталабки гимнастика билан бошлаймиз. Қувонарлиси, илгари боғча деса, дарров кўзи ёшга тўладиган жажжи ўғил-қизларимиз ҳар куни яхши кайфият билан боғчамизга келаяпти.

Мавжуда ЮНУСОВА, пойтахтимиздаги 456-болалар боғчаси услубчиси:

— Дилдорахон жуда ўринли фикрларни айтдилар. Яна бир гап. Негадир биз спортга, спортчиларга кўпроқ эътибор қаратамизу жисмоний тарбияни унутамиз. Ахир, катта спортга жисмоний тарбия орқали кириб борилади-ку! Болалар боғчаларида ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия борасида олиб борилаётган ишлар етарли тартиб қилинаяпти, деб бўлмайди. Ҳозир Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан болалар боғчалари ўртасида «Соғломжон — полвонжон» республика мусобақалари ўтказилмоқда. Агар тарғибот бўлса, фикрлашсак, таклифлар ўртага ташланса, ютуқларимиз янада кўпаярди. Менда бир таклиф бор. Янги барпо этилаётган болалар боғчаларида мўъжаз спорт зали, сузиш ҳавзалари ҳам қурилса. Шунингдек, болалар боғчаларида спорт йўриқчилари иш ўрнини ҳам ташкил этиш керак, мутахассис — мутахассис-да.

Махбуба АБДУМАВЛОНОВА, Бекобод тумани Зафар кўрғонидан. Каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида жаҳон биринчилиги совриндорлари ака-ука Аъзам, Фаррух, Парвиз Абдумавлоновларнинг онаси:

— Беш нафар фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим спорт мураббийи. Юқорида тилга олинганидек, фарзанд тарбиялашнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Айниқса, уларни спорт билан шуғуллантириш, мактабда яхши таълим олиши ота-онадан жуда катта масъулият талаб қилади.

Уч ўғлим каратэ билан шуғулланиб, жаҳон чемпиони бўлгач, оиламиз нафақат туманга, балки вилоят, ҳатто мамлакатга танилди. Ўғилларимни газета-журналларда ёзишди, телевизорда кўрсатишди. Уларнинг шу даражага етгунига қадар турмуш ўртоғим иккимиз кўп шуғулландик. Ўғилларимнинг спорт машғулотлари билан дадаси қизиққан бўлса, уларнинг ўқишлари, уйда, кўча-кўйда юриш-туришлари билан кўпроқ мен машғул бўлдим. Ҳозир ҳам назоратни унутганимиз йўқ. Мактабда ўқишлари аъло. Уларнинг юриш-туришларига қўшниларимиз, маҳалламиз ҳавас қилади. Бугун жуда кўпчилик ўғилларимизнинг ортидан эргашади. Спорт тўгаракларига уларга ҳавас билан қатнай бошлаган болалардан Акмал, Азиз, Албиналар ҳам турли мусобақаларда ғолиб чиқишмоқда. Қисқа қилиб айтганда, оиламиз спортчилар оиласи эканлиги билан фахрланаман. Одамларнинг бизга ва оиламизга илиқ муносабатларини кўриб, қалбим ғурурга тўлади.

Шермат ОДИЛОВ, Яккасарой туманидаги Бобур номли маҳалла оқсоқоли:

— Маҳалламиз аҳолисининг асосий қисмини вояга етмаган ёшлар ташкил қилади. Маҳалламиз кўп қаватли уйлардан иборат бўлганлиги учун спорт майдончаси муаммоси мавжуд. Лекин бунга биз бефарқ қараб турганимиз йўқ. Маҳалла ҳудудида жойлашган 48-мактаб спорт майдони ва спорт залидан унумли фойдаланяпмиз. Айни пайтда мактаб билан ҳамкорликда бу ерда спортнинг саккиз тури бўйича тўгараклар очганмиз. Бу тўгаракларнинг аксариятида ёшлар текин шуғулланишмоқда. «Обод маҳалла йили» муносабати билан яқинда болалар учун 330 минг сўмлик спорт анжомлари, кийим-кечаклар харид қилдик. Аммо минглаб аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла учун бу ишлар етарли эмас.

Албатта, маҳалладаги барча ўғил-қизлар спорт билан шуғулланяпти, деб бўлмайди. Фарзандлари тарбиясига бефарқ ота-оналар ҳам йўқ эмас. Кўп қаватли уйлар орасида ихчам спорт майдони, спорт мажмуи қуриш имконияти бор. Келгусида бунга эътибор қаратилса, айни муддао бўларди.

Мурод МАҲКАМОВ, Яккасарой тумани ИИБ ҲООББ катта инспектори, милиция капитани:

— Тадбир қатнашчиларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, очиғи, қувониб кетдим. Агар бугун барча оилада спортга муносабат ижобий бўлса, аминманки, эртага болаларимиз ўртасида жиноятчилик кўчасига кирадиганлар сони кескин камаяди. Давлатимиз раҳбарининг, ҳаммамизнинг ягона кўзлаган мақсадимиз ҳам шу.

Маҳаллаларимизда спорт ўйинлари тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолди. Қўшни маҳаллалардан ёшлар келиб тенгдошлари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишмоқда. Шу ернинг ўзида қўшни маҳалла болалари янгиянги дўстлар орттиришмоқда. Болалари билан мусобақаларга бораётган ота-оналар у маҳалладаги одамлар билан танишмоқдалар. Шароитлар, имкониятларни ўрганишяпти. У маҳалладаги ибратли ишлардан ўрнак олишаяпти. Фарзандлари учун ота-оналар спорт майдонлари қуришга бош-қош бўлишмоқда. Фидоий одамлар кўп. Менимча, маҳалла оқсоқоллар кенгаши аъзолари орасида жисмоний тарбия йўриқчиси бўлиши ва бу киши спорт соҳасида озми-кўп билимга, кўникмага эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кўпинча, маҳалладаги спорт ишлари дуч келган одамга юклатилади. Бу яхши самара бермайди.

Биз жисмоний тарбия билан спортни аралаштириб юбормайлик. Болалар боғчаларида жисмоний тарбияга кўникма шакилланса, мактабларимизда спортга қизиқиш ортади. Тарғиб билан спорт ривожланади, спортчи шаклланади. Бир пайтлар туманимиздаги 160-мактабда ўта шўх, безори болалар бўларди. Улар менга бириктирилганди. Доимий шу болалар билан ишладим. Уларни спорт ишларига йўналтира олганлигим туфайли бу болалар мактабни намунали хулқ, яхши баҳолар билан битиришди. Натижада шу болалардан уч нафари ички ишлар ходимлари бўлишди. Ҳозир иккитаси жиноят қидирув бўлимида ишлаяпти. Ҳаммаси офицер. Уларни тарбиялашда анча қийналганман, лекин эринмаганман. Уларни спорт жамиятимиз учун керакли инсонлар қилиб тарбиялади. Агар барча ўз ўрнида қойиллатиб ишласа, бу ўз самарасини бермай қолмайди. Ана шу шогирдларимни кўриб, бугун ўзим хурсанд бўламан.

Донохон ТУРСУНХЎЖАЕВА, Ҳамза туманидан, болалар шифокори:

— Киши астойдил қизиқса, интилса, имкон топади. Спорт иншоотларининг етишмаслиги, иқтисодий муаммо фарзандларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун баҳона бўла олмайди. Аксарият одамлар болалари касалликка чалингандан кейин шифокорларга мурожаат қилишади, югуриб қолишади. Ўн-йигирма минг сўм сарфлаб дори-дармон сотиб олишади. Ахир оддий бадан тарбия ҳеч қандай харажат талаб қилмайди-ку!? Ота-оналар ўз фарзандларини ёшлигидан бошлаб жисмоний тарбия билан шуғуллантиришса, кони фойда бўларди. Спорт билан шуғулланган боланинг кўкрак қафаслари, нафас олиш органлари яхши ривожланади. Касалликка тез чалинмайди. Қомати чиройли, дуркун ўсади. Ўзини ва фарзандлари келажагини ўйлаган киши борки, бадан тарбия, спорт билан шуғулланишни канда қилмайди.

Суҳбатдошлар:
Эркин ХОЛБОБО,
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ

❖❖❖

Абдувосит ҲАЙДАРОВ олган суратлар

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Маданий-маърифий, оммавий-сиёсий тадбирлар

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Ангрен шаҳар партия ташкилоти негизида «Ўзбекистон ХДП ва ёшлар» мавзуида амалий машғулот ўтказди. Унда қатнашган Ангрен шаҳар ҳокими А.Юсупов иштирокчиларга мустақиллик йилларида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи ҳақида гапириб берди. ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Б.Йўлдошев эса, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишида шаҳар партия ташкилотининг иштироки билан барчани таништирди. Машғулотда Оҳангарон шаҳар, Оҳангарон, Пискент туман партия кенгашлари биринчи котиблари А.Акбаров, Қ.Саидов, Д.Комилова, «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши раиси Ў.Абдуқодиров ва бошқа фаоллар иштирок этиб, мазкур мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, бу борадаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

ХДП Гулистон туман кенгаши томонидан жойларда «Огоҳлик масъулиятдир» шиори остида суҳбат-учрашувлар ўтказилмоқда. «Боёвут» жамоа хўжалигидаги қишлоқ врачлик пункти, 6, 15-ўрта мактабларда бўлиб ўтган ана шундай тадбирлар фуқароларни огоҳликка чақириш, бу борада ҳудудларда олиб борилаётган ишларга бағишланди. Уларда ХДПдан туман Кенгашига сайланган депутатлар Х.Ҳасанбоев, Д.Йўлаҳшиев, Н.Тожиқулов ва туман партия ташкилоти биринчи котиби М.Бўроновалар маъруза билан қатнашиб, йиғилганларнинг саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Тўрақўрғон туман маданият бўлимининг ХДПга аъзо ходимларини бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан «Президент асарлари билимдони» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Иштирокчилар танлов жараёнида мазкур асарлар бўйича қанчалик билимга эга эканликларини намойиш этдилар ва партия кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Совғаларни туман партия ташкилоти саркотиби О.Охунов топширди.

Партия Наманган туман кенгаши тумандаги «Соҳил» дам олиш оромгоҳида болаларга бағишланган мароқли маданий-маърифий тадбир ўтказди. Тадбир давомида қизиқарли беллашувлар ҳамда турли хил ўйинлар ташкил қилинди ва болалар учун концерт дастури намойиш этилди.

Партия ҳаёти

ХДП Янгибозор туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда МК V пленуми партия ташкилотлари олдига қўйган вазифалар ва мустақилликнинг 12 йиллигига бағишланган тадбирларда партия ташкилотининг иштироки ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Шунингдек, пленумда ташкилий масала ҳам кўрилиб, Шарифбой Юсупов туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Пленум ишида ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби Б.Бобожонов, туман ҳокими ўринбосарлари М.Матқурбонов ва Д.Рамозоновалар иштирок этдилар.

Мазкур туман партия кенгашида ўқув-семинари ўтказилиб, унда партиядан сайланган депутатлар ҳамда қатор БПТ етакчилари ҳам иштирок этдилар. Йиғилишда қатнашган вилоят партия кенгаши биринчи котиби Б. Бобожонов «Партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш бўйича вазифалар» мавзусида маъруза қилди. Муҳокамаларда туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Рамазонова, туман газетаси бош муҳаррири У.Яхшимуротов, партия фаоли, фермер Н.Искандаровлар иштирок этиб, ҳудудий БПТ фаолиятини ривожлантириш, бу борада жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Қоракўл туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотида очиқ партия йиғилиши ўтказилди. Тадбир МК пленуми ҳужжатларини жойларда ўрганишни ҳамда амалга оширилишини ташкил этишда БПТнинг вазифаларига бағишланди. Партия ташкилоти етакчиси А. Одилов мазкур масалалар ҳақида гапирар экан, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ечишда БПТнинг ўрни ҳақида тўхталиб ўтди. Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан «Тожикент» сайлов округи партия гуруҳи раҳбари Р. Жабборов, ХДП туман кенгаши биринчи котиби Ф.Бебутовлар Олий Мажлис XI сессияси ҳужжатлари ва умумхалқ муҳокамасига чиқарилган қонун лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Боёвут тумани ҳокимлиги, туман партия кенгаши масъул ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрамига тайёргарлик, байрамолди оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш ҳақида сўз борди. Йиғилишда сўзга чиққан туман ҳокими ўринбосари К.Холиқбердиев, ХДП туман кенгаши биринчи котиби Д.Ғозибековлар байрамгача бажарилиши керак бўлган муҳим вазифалар ҳақида гапирдилар.

Тўрақўрғон туман партия кенгашида бўлиб ўтган ўқув семинарида партия ташкилотларининг ташаббускорлигини ошириш вазифалари белгилаб олинди. Бунда депутатлар фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш тажрибаси муҳим ўрин тутишлиги таъкидланди. Тадбирда сўзга чиққан ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби М.Абдуллаева ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Сотиболдиевлар бу ҳақда алоҳида тўхталдилар.

Зангиота туман партия кенгаши умумхалқ муҳокамасига чиқарилган «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига бағишланган «давра суҳбати»ни ўтказди. Унда ХДП туман кенгаши котиби А.Азимов, партия фаоли Т.Тиллаева, «Савдогарбанк» туман бўлими бош иқтисодчиси Ж.Аннаев ва туман ҳокими ўринбосари А.Дадабоевлар иштирок этиб, лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Суҳбатни туман партия кенгаши биринчи котиби Р.Назаралиев олиб борди.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРГА ГРАНТЛАР

АҚШ элчихонасининг муваққат ишончли вакили Дэвид Эпплтон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов АҚШ Халқаро ривожланиш агентлигининг «Фуқаролар манфаатини ёқловчи дастур»и доирасида илк маротаба ажратилаётган грантлар ғолибларини эълон қилдилар. АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилаётган «Фуқаролар манфаатини ёқловчи дастур»нинг ушбу грантларига «Ҳаёт» (Самарқанд), «Умидворлик» (Тошкент) ва Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси (Тошкент) сазовор бўлди. Ҳар бири 12 минг АҚШ долларигача бўлган грантлар мазкур нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қарийб ярим йил давомида олиб борадиган тадбирларини қўллаб-қувватлашга сарфланади.

«Фуқаролар манфаатини ёқловчи дастур» Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган ЮСАИД фаолиятининг муҳим қисмидир. Дастур нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролар манфаатини ёқловчи тадбирларини маҳаллий ва минтақавий даражаларда муваффақиятли ўтказишларига асосланган.

Алишер РЎЗИЕВ

БОЖ ТЎЛАШ ИНТИЗОМИ

Қадим-қадимда ҳам «бож», «бож тўлаш» каби иборалар олис-олисларга от ва туя карвонлари билан қатновчи савдогарлар ўртасида кўп бора ишлатилган. Шу боисдан бож тўловлари биз учун янги тушунча эмас. Бироқ, бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳаётга татбиқ этилиши туфайли у моҳиятан янги мазмун касб этди. Яқин ўтмишимизда, яъни бошқариладиган режали иқтисодиёт замонида фуқаролар божхона нима эканлигига унчалик аҳамият беришмасди. Бу, маълум маънода халқимиз турмуш тарзига таъсирини ўтказди. Чунки бу ҳолатни бир-икки йил бурунги бозорларимиздаги аҳволдан ҳам кўриш мумкин эди. Бозорларимизни эгаллаган усти ялтироқ, ичи қалтироқ буюм-матолар мамлакатимиз иқтисодига катта зарар етказа бошлади.

Энг ёмони, бундай арзон моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари божхонани четлаб ўтиб келтирилар, унинг сифатига, истеъмол муддатига эътибор қилинмасди. Бу билан биринчидан, божхонада бож тўлашдан қочдилар, иккинчидан, келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон истеъмолчилар соғлиғини йўқотишига сабаб бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-қарори республикамизга кенг истеъмол товарларини олиб киришни тартибга солиш, ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш, ички бозорларда истеъмол товарлари савдосини яхшилаш ва товарлар ноқонуний олиб келинишининг олдини олишда туб бурилиш ясади. Бу билан божхона назорати кучайтирилиб, мамлакатимизга сифати паст товарлар, айниқса, истеъмол муддати ўтган озиқ-овқатлар, дори-дармонлар олиб кирилишига тўсиқ қўйилди.

Мана бир йилдан ошиқ вақт ўтдики, ушбу қарор ижросини таъминлаш барчанинг виждон амрига айланган. Шу ўринда ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан бир қаторда кенг жамоатчилик ҳам оёққа турганлигини айтиш жоиз. Яқинда Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳуқуқ-тартибот органлари, шу жумладан, божхона вакиллари иштирокида аҳоли ва маҳалла фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

— Мен етти йилдирки, тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди фуқаро Толмас Матёқубов. — Олиб келаётган маҳсулот учун ҳар бир киши чегарадан ўтаётганида бож тўласа маҳсулотни ўз бозоримизда яширинча қўрқиб-писиб эмас, эркин сотиши, ундан фойда олиши мумкин. Бироқ, айрим тадбиркорларга ҳайронман. Яширинча йўллар орқали молларини олиб келишга ҳаракат қилишади. Бу эса ўзларига зиён. Қўлга тушгач, олиб келаётган молидан, уни юклаб келаётган транспортидан айрилади. Қолаверса, ҳуқуқбузарликни амалга оширгани учун катта миқдорда жарима тўлайди. Тавқи лаънатга қолади.

— Тадбиркор танишим бор. Қўни-қўшнилардан анча-мунча пул йиғиб хориждан мол олиб келишга кетган эди. Уни шайтон йўлдан урдими, ноқонуний йўл билан мамлакатимизга харид қилган молларини олиб киришга уринганида қўлга тушди, — дейди Зарбиби Алқарова. — Энди унинг ҳолига вой. Юки машинаси билан мусодара этилди. Қўни-қўшниларга пулни қайтариши керак. Натижада не-не умидлар билан қурган ҳовлисини сотишга қўйибди...

Мамлакатимиз бўйича ўтган йилнинг 1 июлидан шу йилнинг 1 июнига қадар 51227 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Қонунбузарлардан 19 миллиард 831,8 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди.

Товарлар ноқонуний кириб келишининг олдини олиш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати, Прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Чегара қўшинлари ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу боисдан ушбу органларнинг ҳамкорлиги туфайли 2422 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар жавобгарликка тортилдилар. Суд ва бошқа ваколатли органлар қарорларига мувофиқ мусодара этилган 16 миллион 761,8 миллион сўмлик товар-моддий бойликларнинг 87,7 фоизи сотилиб, давлат даромадига ўтказилди. Демак, энди қайсидир қаллоб ва нопок кимсаларнинг чўнтагини қаппайтириши лозим бўлган 14 миллиард 706,4 миллион сўмлик маблағ хайрли ишларга сарфланадиган бўлди.

Ҳар қандай эркин иқтисодий тамойиллар асосига қурилган жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири — чегарадан олиб ўтилаётган мол учун бож тўлаш интизомидир.

Ҳар бир хусусий тадбиркор мамлакатга олиб кираётган товар учун белгиланган миқдорда бож тўлаши шарт. Бу — соғлом иқтисодиёт қонуни, айни пайтда бож тўлаш маданиятидир. Демак, қаерда бу маданият бузилса, юқоридагидек ким бўлишдан қатъи назар ҳолига вой бўлади.

Сиртдан қараганда бундай ҳолатлар бож тўлашдаги оддий тартибнинг бузилиши бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ, унинг замирида жамият учун зарарли иллат ётибдики, бунинг моҳиятини англамоқ учун бож тўлови маблағларини давлат қандай мақсадларга сарфлашини мушоҳада қилиб кўрмоқ керак. Аҳолининг кам даромадли қисми, муҳтож кишилар, ота-онасиз болалар, қариялар, ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси кимнинг зиммасида?





Ҳуқуқ ва бурч

Албатта, давлатнинг! Халқ таълими, олий ва ўрта махсус билим юртларининг, мамлакат ҳарбий қудрати ҳамда ички тартибларни мустаҳкамлашга кетадиган маблағлар қандай шаклланади? Юртни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва одамларга маош тўлаш учун маблағларни қаердан оламиз? Ҳар қандай давлатнинг миллий бойликлари бу қадар кенг қамровли харажатларни қоплай олмайди, албатта. Шу боис бож тўловларидан келадиган тушумлар давлат хазинасининг ана шу қисмини қоплашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хўш, давлат томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланиб, катта даромад топаётган шахс бу даромаднинг қонунда белгиланган қисмини хазинага ўтказишдан умуман бўйин товлаб, ноқонуний йўллар билан товар-моддий бойликларини сотаверса, буни қандай баҳоламоқ керак? Халқ тили билан айтганда, бу — ҳалолликдан юз ўгириш, ноҳалол, ғирромлик билан бойлик орттириш, қолаверса, қонунни менсимаслик, бинобарин, жиноятга йўл қўйиш демакдир.

Бож тўлаш фуқаролик бурчининг муҳим шарти эканлигини тушуниб олмоғимиз зарур. Хуллас, бу борада айтадиган гапларимиз кўп. Бизнингча, ҳар бир фуқаро ким бўлишидан қатъи назар Президентимизнинг қуйидаги сўзларини унутмаслиги керак: **«Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса жонини фидо қилиш — шу заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон учун бахтдир».**

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири,
Абдумўмин ТИЛОВОВ,
Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати бошлиғи

Янги техника — ҳаётга

КУЧЛИ, ИШОНЧЛИ ВА ТЕЖАМКОР

Тоғ-кон юмушларини бажариш ва замонавий техника воситаларини ишлатишда Мурунтов маъдантопарлари катта тажрибага эга. Хорижнинг машҳур фирмалари билан бўлган узоқ йиллик шерикчилик алоқалари кончиларга тармоқда энг сара техника турларига эга бўлиш имконини ҳам бермоқда.

Яқинда бу ерда «TEREX MINING COMPANY» фирмасидан келтирилган — ковушлари 26 кубо метр сиғимга эга RH-200 русумли икки дона янги экскаваторнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Аслида, гап мазкур машиналарнинг ковушлари фақат улкан сиғимга эга эканлигида эмас, балки уларнинг мутлақ янги, техник жиҳатдан замонавий ишлаш услубида кетаяпти. 6 кВ ва 1600 кВт қувватга мўлжалланган двигатель маҳобатли машиналарни сарф-харажати ўта қимматга тушувчи дизель ёнилғисисиз ҳам ишлаши учун энергия етказиб беради. Қисқаси, RH-200 экскаватори энергиянинг энг арзон тури билан ишлай олиши эвазига тежамкор, ишончли ва кучлидир. Унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 5 миллион кубо метрдан зиёдроқ бўлиши кутилмоқда. Бу ҳозир карьерда ишлаётган экскаваторларнинг йиллик ишлаб чиқариш қувватидан икки баробар кўп демакдир.

— Дарвоқе, бизнинг Мурунтов конимиз эндиликда тармоқнинг ҳар қандай янги техника турларини синовдан ўтказувчи ўзига хос машқ майдони бўлиб қолди, — дейди кон бошқармасининг режалаштириш бюроси бошлиғи И.Кругликова. — Техника тараққиётининг сўнгги мўъжизаларидан бири бўлган RH-200ни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш масъулияти ўнлаб йиллар бу ерда экскаваторчилик қилган ва катта меҳнат тажрибаси ортирган машинистларга ишониб топширилди. Карьерда одатда иш осон кечмайди. Лекин мазкур экскаваторлар кабинасида яратилган иш ўринларининг комфорт (қулай)лиги меҳнат жараёнидаги оғир машаққатларни писанд қилмайди...

Хуллас, RH-200 — янги, кучли, такомиллашган техника турларининг яратилишида яна бир муҳим қадам. Ўйлаймизки, бу ҳали охиргиси эмас.

Замон АЛИ

Суратларда: RH-200 экскаватори Мурунтов карьерида.

МАҚСАД — ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ

Пентагон ниҳоят Либерияга тинчлик кучларини жўнатди. АҚШ армиясининг 9 вертолётида мамлакат пойтахти Монровига келган 200 нафар денгиз пиёдаси Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий уюшмаси раҳбарлигида Либерияда фаолият кўрсатаётган Нигерия тинчлик контингенти билан ҳамкорликда хизматни давом эттиради.

Reuters хабарига кўра, Америка денгиз пиёдалари мамлакат аэропорти ва Монрови портини қўриқлайди. Негаки, шу кунларда бу ерга инсонпарварлик ёрдамлари кела бошлайди.

Нигерия тинчлик кучлари эса қўзғолончилар назоратидаги ҳудудларни эгаллай бошлади.

Эслатиб ўтамиз: шу ҳафта душанба куни Либерия Президенти (энди собиқ) Чарльз Тейлор мамлакатни тарк этди. Қўзғолончилар Тейлор лавозимдан кетгач, жанговар ҳаракатларни тўхтатишга ваъда берган эдилар. Лекин Тейлор кетганига салкам бир ҳафта бўлмоқдаки жанглар тингани йўқ. Вазият ҳануз қалтислигича турибди.

МУЗОКАРАЛАР БЎЛИБ ЎТАДИ

Хитой ҳукуматининг баёнот беришича, Шимолий Кореянинг ядро дастури бўйича музокаралар 27-29 август кунлари Пекинда бўлиб ўтади. Мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги бу борада бошқа қўшимча маълумотларни ошкор этмади.

Музокараларда Шимолий ва Жанубий Корея, Россия, Хитой, АҚШ ва Япония вакиллари иштирок этади, дейилади Reuters ахборотида.

ШАХСИ АНИҚЛАНМАЙ ҚОЛМОҚДА

2001 йил 11 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида содир этилган террорчилик акти сабаб ҳаётдан кўз юмганларнинг тахминан 1 минг нафарининг шахсини аниқлаш ўта мушкул ва ҳеч қачон бунинг уддасидан чиқиб бўлмайди. Бу ҳақда террорчилик акти қурбонлари шахсини аниқлаш (жасадларни текшириш) комиссияси раиси, судмедэксперт Роберт Шейлер Associated Press агентлиги мухбирига маълум қилди.

Шу пайтгача, яъни деярли 2 йил муддатда 2792 нафар марҳумдан тенг ярмининг шахси аниқланган.

БОЛАЛАРНИ СОТГАНИ УЧУН

Хитой суди болаларни ўғирлаш ва сотиш билан шуғулланган жиноячилар гуруҳи устидан яқинда ҳукм чиқарди. 17 кишидан иборат бу гуруҳ аъзолари 3 йилдан то умрбод қамоқ жазосигача бўлган муддатга «кесилди»лар.

«Синьхуа» агентлиги хабар беришича, биргина гуруҳ раҳбарининг ўзи 2001-2002 йилларда 50 нафар болани ўғирлаб сотган. Шунинг учун ҳам у умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди. У 2 болани ўғирлаб кетаётган пайтда поездда ушланган.

«Интерфакс» ахборотида ёзилишича, куни кеча эса Москванинг Ярослав вокзалида бир аёл ўзининг 1,5 ёшли қизини 1 минг долларга сотмоқчи бўлиб турган пайтда Москва шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

Журналист текшируви

ҚИММАТГА ТУШГАН ВАКОЛАТНОМА

ЁКИ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ЕТИШМАСЛИГИ БОИС ПЕШКУЛИК ФЕРМЕР ОЙЛАБ-ЙИЛЛАБ ОВОРАЮ САРСОН БЎЛАЁТГАНИ ХУСУСИДА

Пешку туманидаги «Маданият» ширкат хўжалигида яшовчи Ҳиммат Расулов «Жогаре боло» фермер хўжалигини ташкил этди. Туман ҳокимининг қарори билан 2000 йил май ойида 10 гектар ернинг эгаси бўлди. Шу ерга пахта экиб, шартномани бажарди. 27 октябрда 2001 йил ҳосили учун шартнома имзолаб, пахта қатор орасига дон экди. Иссиқ жон иситмасиз бўлмас. Орадан бир ой ўтгач, бетоб бўлиб қолган фермер иш юритиш учун жияни Қудратилло Қодировга вақтинчалик ваколатнома бердию балога қолди.

Ҳиммат Расуловнинг ўзидан эшитайлик:

— Ҳосил мўл бўлди. Йиғиб олдик. Ўрнига маккажўхори экдик. Ўрим пайтида бир тележка макка пояси бер десам у «энди сен хўжайин эмассан, мен хўжайинман» деди. Ҳарқалай айтганимни қилдим — бир тележка макка поясини олдим. Кейинчалик эшитсам, мени ўғриликда айблаб, орқаворотдан ишдан бўшатибди. Ўртамиздаги келишмовчилик шундан бошланди. Ўз қўлим билан берган муҳр ва тамғани олиш учун энди судма-суд юришим керак бўлиб қолди.

2002 йилнинг 8 февралида Ғиждувон туманлараро фуқаролик судига ариза бердим. 29 март куни мазкур суд даъво аризамни кўриб чиқди. С.Атоев раислигида ўтган мажлисда даъво қаноатлантирилди: **«Даъвогар Расулов Ҳимматга жавобгар Қодиров Қудратиллодан Пешку туман «Маданият» ширкат хўжалиги «Жогаре боло» фермер хўжалигининг айланма муҳри ва штампи олиб берилсин. Жавобгар Қодиров Қудратиллонинг Пешку туман банкидаги имзолари ҳақиқий эмас, деб топилсин».**

Шу билан адолат қарор топди, сарсон-саргардонликка чек қўйилди деб ўйларсиз. Асло. Жавобгар Қ.Қодиров ҳал қилув қароридан норози бўлиб, вилоят судига ариза беради. Вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати ишни қайта кўриш учун яна Ғиждувон туманлараро фуқаролик судига юборди. Мазкур фуқаролик ишини Ғиждувон туманлараро фуқаролик суди судьяси Таваккал Хўжаев 2002 йил 1 ноябрда кўриб чиқиб, сиртдан ҳал қилув қарорини чиқарди: «Даъвогар Расулов Ҳимматнинг даъвоси қисман қаноатлантирилсин. Даъвогар Расулов Ҳимматнинг жавобгар Қодиров Қудратиллога вақтинчалик «Жогаре боло» фермер хўжалигини бошқариш тўғрисидаги берган ваколати бекор қилинсин. Даъвогар Расулов Ҳимматга жавобгар Қодиров Қудратиллонинг Пешку туман «Маданият» ширкат хўжалиги «Жогаре боло» фермер хўжалигининг айланма муҳри ва штампи олиб берилсин. Жавобгар Қодиров Қудратиллонинг Пешку туман марказий банкдаги ва бошқа органлардаги имзолари ҳақиқий эмас деб топилсин. Жавобгар Қодиров Қудратиллонинг даъвогар Расулов Ҳимматга нисбатан ижара шартномасини бекор қилиш ҳамда Расулов Ҳиммат билан ўрталаридаги ваколатни бериш тўғрисидаги битимни ҳақиқий деб топиш тўғрисидаги қарши даъволари рад этилсин. Даъвогар Расулов Ҳимматнинг жавобгар Қодиров Қудратиллога нисбатан ер майдонини олиб бериш тўғрисидаги қўшимча даъвоси рад этилсин. Жавобгар Пешку туман ҳокимининг 2002 йил 9 февраль кунидаги 144-сонли «Жогаре боло» фермер хўжалигининг жавобгар Қодиров Қудратилло исмига қайта рўйхатга олиш тўғрисида»ги қарори бекор қилинсин»...

Яна бир жиҳат. Қ.Қодиров томонидан туман ҳокими номига фермер хўжалиги раҳбари бўлишлик учун ариза ёзилади. Ушбу аризани ҳокимликдан 2002 йил 29 январь куни рўйхатга олиниб, кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимлиги адлия бошқармасига 30 январда юборилган. 5 февралда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ф.Низомов имзоси билан жавоб олинган. Унда жумладан шундай дейилади. «Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрель Қонунига асосан «Жогаре боло» фермер хўжалиги раҳбарини алмаштириш ва фермер хўжалиги таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришларни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги мурожаатини Сиз фақатгина «Жогаре боло» фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосланган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказишингиз ва қайта рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунинг 4-,7- ва 8-моддалари талабларига риоя этишингиз лозимлиги тушунтирилади».

Хўш, шундай экан «Жогаре боло» фермер хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши бўлганми ўзи? Фермер хўжалиги аъзолари бундай йиғилиш бўлганлигини эса эслашолмайди.

— Мен фермер хўжалиги ташкил этилгандан буён ишлаб келаман, — дейди фермер хўжалиги аъзоси Ғафур Болтаев. — Умумий йиғилиш ва мажлисга қатнашмаганман, баённомага имзо чеккан эмасман.

— Фермер хўжалигида 2001 йил январь ойидан буён ҳисобчи бўлиб ишлаб келаман, — дейди Теша Остонов. — 2001 йилнинг 20 июлида бўлиб ўтган йиғилишдан умуман хабарим йўқ.

Туман ҳокимлигига тақдим этилган «ҳужжатлар» орасида кўзимиз фермер хўжалигининг умумий йиғилиш баённомасига тушди. 01 рақами билан белгиланган баённомада кўрсатилишича, йиғилиш 2001 йил 20 июлда Жогаре боло қишлоғида бўлиб ўтган. Йиғилишга Ҳиммат Расулов «раислик», Мунаввар Маҳмудова «котибалик» қилган. Унда фермер хўжалигининг барча аъзолари «иштирок» этган. Кун тартибида фермер хўжалиги раҳбари қилиб Қодиров Қудратиллони тайинлаш масаласи «кўрилган». Ушбу масала юзасидан фермер хўжалиги бошлиғи Ҳ.Расулов сўз олиб, ҳозирги кундаги ишлар ҳақида гапирган ва фермер хўжалиги раҳбари этиб Қ.Қодировни тайинлашни таклиф қилган. Ушбу таклифни ҳамма қўллаб-қувватлайди.

— Бу сохта баённома, — дейди Ҳ.Расулов. — Мен йиғилиш ўтганини эслолмайман ва раислик қилган эмасман. Баённомада менинг имзом сохталаштирилган.

— Бунақа йиғилиш бўлмаган, — дейди йиғилишда «котиба» деб кўрсатилган Мунаввар Маҳмудова. — Хабарим ҳам йўқ, имзо ҳам меники эмас.

Қизиғики, ана шу «ҳужжат» асосида туман ҳокимлигидагилар хамирдан қил суғирганчалик фурсат ўтмай «Жогаре боло» фермер хўжалигининг янги Низоми, янги раҳбари ҳақидаги қарорни тайёрлайдилар. Ва... фуқаролик иши яна шу йилнинг 3 март куни қайта кўриб чиқилди.

— Мазкур ишнинг таажжубланарли томони шундаки, — дейди адвокат Толиб Ҳайдаров, — Ғиждувон туманлараро фуқаролик судининг судьяси Т.Хўжаев дастлаб сиртдан чиқарган қарори адолатли эканлигини била туриб, кейинчалик даъво талабини бутунлай рад этди. Минг афсуслар бўлсинки, вилоят суди ҳам 2003 йил 22 апрель кунидаги ажрими билан мазкур фуқаролик ишидаги ҳолатларни ўз ваколатлари доирасида тегишли тартибда ҳуқуқий таҳлил қилмасдан туман судининг қарорини ўз кучида қолдирди. Бизнингча, юқоридаги судларнинг бирортаси ҳам ўз қарорларида иш бўйича қўлланилиши лозим бўлган моддий, ҳуқуқий нормани холисона қўллаб, ишни ҳал қилмади. Шуни таъкидлаш керакки, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида **фермер хўжалигининг раҳбари вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз вазифаларини бажариш ваколатини бошқа шахсларга бериши мумкинлиги кўрсатилган.**

Фуқаролик иши натижаларидан шу нарса кўриниб турибдики, фермер хўжалиги раҳбари Ҳ.Расулов операция бўлганлиги сабабли ўз ҳуқуқини вақтинчалик жиянига топширган. Операция бўлганлиги тўғрисида тиббиёт варақасини эса судлар эътиборга олмаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Яна бир нарсани улар назардан қочирдилар. Ишдаги жавобгар Қ.Қодиров ҳеч қачон фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда яшаган эмас. Ҳолбуки, у Бухоро шаҳрида истиқомат қилади, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланади. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фермер хўжалигини юритиш учун фуқароларга ижарага ер бериш тўғрисидаги қонуний ҳужжатларда фермер хўжалиги тузилаётган ҳудуддаги фуқароларнинг бошқа ҳудудда яшаётган фуқароларга нисбатан устувор ҳуқуқлари кўрсатиб берилган.

Айтаверса гап кўп. Ҳ.Расулов адолат излайди. Ахир, оиласидаги ўн жон ишсиз қолганию ҳар хил таъна-дашномалар уни изтиробга солади. Андишанинг отини кўрқоқ дегувчилар, шахсий манфаати йўлида оқни қора қилиб кўрсатувчилар орамизда борлигидан куйинади...

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шифо масканлари

ҚАДР ҚАДНИ ТИКЛАЙДИ

Чортоқда отилиб чиқаётган маъданли сувлар билан фақат оёқ ва бели оғриганлар даволанади, деб эшитган эдим. Аммо сиҳатгоҳнинг кислородга бой шифобахш ҳавоси, малакали шифокорларнинг маҳорати, хизматингизга бел боғлаган катта-кичик ходимларнинг меҳрибончиликлари туфайли юрак хасталигига чалинган беморлар ҳам оёққа туриб кетаётганликларининг гувоҳи бўлдим.

Бу масканда олий тоифали кардиолог-шифокор Илҳомжон Каримхонов фаолият юритади. У институтни битириб, йўлланма билан «Чортоқ»қа келганида, балки бу ерда бир-икки йил ишлаб, кейин ишни ўзгартиришни ўйлаган бўлиши мумкин. Аммо у ғайрат, шижоатини одамлар сиҳатини сақлашга сарфлади. Номзодлик диссертациясини ёқлади. Унинг раҳбарлигида биринчилардан бўлиб, юрак хасталикларини бошидан кечирган беморларни ҳаётга тиклаш — реабилитация бўлими ташкил этилди.

Реабилитация бўлимида олий тоифали даволовчи, жисмоний тарбия йўриқчиси Абдураҳмон Норбоев бор. У бўлимга келган ҳар бир одам билан эринмай суҳбатлашади ва ҳар бир дам олувчининг ҳолатига қараб жисмоний машқлар белгилайди. Абдураҳмон дам олиш ва байрам кунлари ҳам жисмоний машқ ўтказиш учун атайлаб келади. Ҳар йили қанча «инфарктник»лар қўлидан ўтгани-ю, қанчаси жисмоний реабилитациянинг неча босқичини ўтагани ҳақидаги маълумотларни ёдда сақлайди ва таҳлил қилиб боради.

— Мен юрак инфарктидан кейин пойтахтдаги бошқа сиҳатгоҳларда ҳам бўлиб, реабилитация курсини ўтамоқчи бўлганман. Аммо ҳеч қаерда беморга бу ердагидай меҳрибонликни кўрмадим, — дейди андижонлик меҳнат фахрийси А. Фозилов. — Бу ерда даволаниб юрган беморлар билан фикрлашиб, «Чортоқ»да кардиология илмий-тадқиқот институтининг юрак хасталикларидан кейинги ҳаётга тиклаш — реабилитация марказини очиш керак экан, деган ўйга келдик. Чунки бу ерда ишлаётганлар юрак хасталикларини бошидан кечирган беморларга хизмат қилишда катта тажриба ва малакага эга экан. Касалхонадан олиб келинган бир қанча беморлар бир неча ҳафтадан сўнг менинг кўз ўнгимда дам олувчилар сафига қўшилиб қолишди.

— Мен сиҳатгоҳда хизмат қилаётган шифокорлар, ҳамширалар, бутун жамоадан миннатдорман, — деди Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидан келган Ҳ. Ғозиев. — Уларнинг отасига минг раҳмат, жуда яхши даволандим. Имкон бўлди, дегунча шу ерга келишга қарор қилдим.

— Сўнгги йилларда сиҳатгоҳнинг шуҳрати ортиб бормоқда. Ўтган йили дам олувчиларимиз сони 1259 нафарга кўпайди, — дейди санаторий бош шифокори Юсуфжон Аминов. — Даволаш самарадорлиги касалликларнинг турларига қараб 97 дан 99,4 фоизгача етди. Йил давомида 30 миллион сўм даромад олиниб, соф фойда 9 миллион сўмни ташкил этди. Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш режаси икки баробарга ошириб бажарилди. Беморларни шифобахш балчиқ, парафин, баротерапия, лазер усуллари билан даволаш самадорлиги ҳам мақтовга сазовор. Жалолобод санаторийсининг торфли шифобахш балчиғи билан микроҳуқна қилиб даволаш усули ва доривор моддалар билан микроҳуқна қилиш беморлар соғайиш кўрсаткичларини янада оширишга олиб келди. Даромад ҳисобидан янги тиббиёт жиҳозлари сотиб олинди, ошхона таъмирланди, санаторий атрофи ободонлаштирилмоқда.

Сиҳатгоҳ жамоаси ўтган йили эришган ютуқлари учун республика курортлар бошқармаси томонидан жорий этилган танловда «Йилнинг энг яхши санаторийси» номини олди. Бу йил «Чортоқ»да бел умуртқаларининг остеохондрози, ревматоидли, полиартрит, бронхиал астма, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги яраларни даволаш бўйича даволашнинг янги усулларини қўллаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Инсон қадр кўрган жойига таъзим қилади. Бунинг замирида меҳрибонлик, инсонлар дардига дармон бўлишдек заҳмат яшириндир.

Ниёз АБДУҚОДИРОВ

Касбим — фахрим

Кечаги шогирд, бугун устоз наққош

Касби туманидаги ҳар бир қишлоқ азалдан ўзига хос касб-кори, удумлари билан ажралиб туради. Масалан, қамашиликлар гиламдўзлиги, майманликлар соҳибкорлиги, меситликлар наққошлиги билан машҳур.

Зубайдулло Сатторов меситлик моҳир наққош. У тошкентлик таниқли устози Ортиқ Файзуллаев қўлида беш йил таҳсил олди. Ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганди. Ҳозир у ўз қишлоғида қаламдон, аёллар зебзийнати, қутичалари, эшик, ром, айвон устунлари ва рўзғор буюмлари ясаб мижозлари дидини қозонмоқда.

Яна бир жиҳати, кечагина ўзи шогирд бўлган наққош бугун ўнлаб ёшларга устозлик ҳам қилаяпти.

Суратларда: наққош Зубайдулло Сатторов ва у ясаган буюмлар.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар

Луқма

БИЛДИК, МУҲРИНГИЗ БОР ЭКАН...

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — ИФТИХОРИМИЗ, УНГА БЕПИСАНДЛИК ЎЗИМИЗГА, ЮРТИМИЗГА ҲУРМАТСИЗЛИК ЭМАСМИ?!



— Ие! — ажабланди шеригим қўлидаги 500 сўмлик пулга тикиларкан. — Оббо, азамат-ей...

У шундай деди-да, пулга босилган муҳр ёзувини ҳижжалаб ўқий бошлади: **«... Сурхондарё вилояти, Бандихон тумани. «Эргашбобо» хусусий ишлаб чиқариш ва тижорат фирмаси»**...

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шеригим қўлида турган 500 сўмлик пулининг бир томонига юмалоқ муҳр, бир томонига шапалоқдек штамп босилган эди.

Фирма раҳбарининг (муҳр ва штамп раҳбарда туради-да!) фаҳм-фаросатига «тасанно»лар ўқиб, олдинига шунчаки кўнглимизда «билдик, муҳрингиз бор экан» — деб қўя олмоқчи ҳам бўлдик. Бироқ хижил тортган асабимизни ёйиш учун ўша «фирмач» акахон (балки отахон)га мана бу гапларни барибир эслатиб қўйишни жоиз кўрдик: Миллий валютамиз — келажаги буюк давлат қуриш йўлида 12 йилдан буён фидойиларча меҳнат қилаётган халқимизнинг, аниқроғи, давлатимизнинг умумбойлиги, умуммулки. У — эркин, ҳур мамлакатимиз мустақиллигининг рамзи, эгамен давлатга хос белгимиз! Миллий ифтихоримиз...

— Гап пул ҳақида кетаркан, — изоҳлайди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эмиссия-касса операциялари департаменти директори Йўлдошбой Эсонбоев,** — ҳақиқатан ҳам, баъзи фуқароларимиз миллий валютамизга нисбатан нописандлик қилишаяпти. Пулларга ҳар хил сонларни, телефон рақамларини, исмларни ёзиш, бўяб ташлаш каби ҳолларини учратаяпмиз. Ёки айримлар пулларни яшираман деб, ақл бовар қилмас жойларга бекитишади-да (масалан, газ плиталари ичига) кейин ёнган пулларини кўз ёш билан арз-дод қилиб, банк бўлимларидан алмаштириб беришни сўрашади. Ҳолбуки, банклар доим жозибадор ва юқори фоизли омонатларини таклиф этаётган бир пайтда улар ўз жамғармаларини мамлакатимиз молиявий оборотидан яшириб сақлашни афзал кўришади ва охироқибат «аттанг» деб қолишади.

Фуқароларимиз яна шуни яхши билишлари керакки, ҳар хил белгилар қўйилган, битиклар битилган, муҳрлар босилган пуллар тартибга кўра, яроқсиз ҳисобланиб, муомаладан олиб ташланади ва ўрнига янгиси чиқарилади. Бу эса, табиийки, давлатимизга маълум даражада иқтисодий зарар келтиради. Чунки, ҳатто энг замонавий технология ва техник ускуналарда зарб этилган пуллар ҳам жуда катта миқдорда харажат талаб қилади. Пул истеъмолчи қўлига етгунига қадар унинг замирида неча минглаб одамларнинг тинимсиз меҳнати, пешона тери ётганлигини кўпчилик билмайди. Пулни асраб-авайлаб ишлатиш ўрнига унга беписандлик қилишади.

Департамент директорининг куюнганича бор. Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида нечоғлик саъй-ҳаракат қилаётган бўлсак, уни ҳимоя қилиш борасида ҳам шундай саъй-ҳаракат зарурлигини ва миллий валютамиз ҳимояси — айни пайтда мустақиллигимиз ҳимоясининг бир қирраси эканлигини ҳамма ҳам бирдек тушунавермаётганидан куюнасан киши.

Шундай экан, у — гарчанд, қўлингизда ёхуд чўнтагингизда турган пайтда ҳам сизнинг хусусий мулкингиз эмас. У — сизга савдо ва харид ишларингиз учун давлат томонидан вақтинчалик меҳнатингизга яраша бериб қўйилган муомала воситаси. Унга ҳеч кимнинг бирор белги қўйишга, битик битишга, муҳр босишга ҳаққи йўқ. Бундай ҳоллар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан қатъиян таъқиқланади.

... Қолаверса, қўлингизга берилган штамп ва муҳрни ҳам фақат тасарруфингиздаги фирма, идора ёки муассасанинг расмий ҳамда иш юритув ҳужжатларигагина босишга рухсат этилади. «Муҳрим бор», деб уни дуч келган жойга босаверасизми? Эҳтимол, эрта бир кун уни пешонангизга босиб кўчага ҳам чиқарсиз...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида юртимизнинг ҳар бир жабҳасида кўтаринки руҳ ҳукмрон. Ҳамма жойда шодиёнани муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Айёмга бағишланган бу йилги тадбирларнинг «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники!» шиори остида ўтказилаётганида теран маъно бор.

Шуни назарда тутган ҳолда байрам муносабати билан мутасаддди идоралар ҳамкорлигида тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ташкил этилди. Бу гуруҳларга элимиз ардоғидаги жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорлар жалб қилинди.

Қашқадарё вилоятида ўтказилган учрашувларда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Тўлан Низом, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Мурод Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Исмоилова иштирок этишди. Шаҳрисабз, Китоб, Ғузор, Чироқчи, Муборак, Косон туманларидаги дилтортар суҳбатлар шеърхонлик ва куй-қўшиқларга уланиб кетди.

ИСТИҚЛОЛ — ИМКОНИЯТ, МАСЪУЛИЯТ

Сурхондарё вилоятидаги учрашувлар ҳам иштирокчилар хотирасидан узоқ вақт кўтарилмаса керак. Таниқли адабиётшунос, Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, таниқли шоир Маҳмуд Тоир «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, Олий Мажлис депутати, шоира Гавҳар Ибодуллаева, иштирокидаги мулоқотларда истиқлол берган имкониятлар, давр зиммамизга юклаётган масъулиятли вазифалар хусусида сўз борди.

Кўҳна Хоразм аҳли эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати Ўткир Ҳошимов, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматов, «Гулистон» журнали бош муҳаррири Азим Суюн, шоир Матназар Абдулҳакимларнинг ватанни фидойиларча севиш, унга муносиб фуқаро бўлиш борасидаги қизиқарли фикр-мулоҳазаларидан, юртни, озодликни улуғловчи шеърлардан баҳраманд бўлди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги учрашувларда ҳам кўтаринкилик ҳукм сурди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов, Ўзбекистон халқ шоирлари Хуршид Даврон, Иброҳим Юсупов, «Туркистон» газетаси бош муҳаррири Салим Ашур ва бошқалар халқимизнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, озодлик боис қайта тикланаётган қадриятларимиз ҳақида тўлқинланиб сўзладилар.

Истиқлол биз учун оддий воқелик эмас. У миллатимиз қаддини, қадрини кўтарган, узилган томирларимизга ҳаёт бағишлаган, озод ватанимизни дунё меҳварида тенглар ичра тенг қилган ва ҳеч қандай моддий асос билан баҳолаб бўлмайдиган бебаҳо неъматдир.

Шуҳрат ОРИФ,
республика «Маънавият ва маърифат» маркази масъул ходими

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти қошидаги «ҚАЛАМКАШ» журналистика ўқуви курсига

2003-2004 ўқув йили учун суҳбат асосида 16 ёшдан 45 ёшгача бўлган тингловчилар қабул қилинади.

Журналистика соҳаси бўйича етук мутахассислар замонавий дастурлар асосида назарий ва амалий машғулотларни олиб борадилар.

Ўқиш муддати бир йил

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона, «Ўзбекистон овози» таҳририяти.

Тел.: 136-55-05

КУРСНИ БИТИРГАНЛАРГА ҲУЖЖАТ БЕРИЛАДИ.

Самарқанд давлат тиббиёт институти 2003 йил учун клиник ординатурага

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Патаномия — 2 ўрин (давлат гранти)
2. Юқумли касалликлар — 2 ўрин (1давлат гранти, 1 шартнома)
3. Даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти — 2 ўрин (1давлат гранти, 1 шартнома)
4. Психиатрия — 2 ўрин (давлат гранти)
5. Нур ташҳиси ва нурли терапия — 2 ўрин (давлат гранти)
6. Суд тиббиёти — 1 ўрин (давлат гранти)
7. Фтизиатрия — 2 ўрин (давлат гранти)
8. Гематология — 2 ўрин (1 давлат гранти, 1 шартнома)
9. Аллергология-иммунология — 2 ўрин (1 давлат гранти, 1 шартнома)
10. Клиник фармакология — 2 ўрин (1 давлат гранти, 1 шартнома)
11. Пульмонология — 3 ўрин (1 давлат гранти, 2 шартнома)
12. Наркология — 2 ўрин (давлат гранти)

Номзодлар асосан 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши лозим.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2003 йил 29 августгача.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй, илмий бўлим.

Мурожаат учун тел.: 33-30-34

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЗЎРЛИК, ЗЎРЛИКНИНГ ТУБИ — ХЎРЛИК

Халқ кўпчиликнинг манфаати билан ҳисоблашмайдиган зулм ва зўравонлик қиладиган, кўпчиликнинг ғазаб-нафратини қўзғатадиган, кўпчиликнинг ҳақини ейдиган, ўзгалар меҳнати ҳисобига яшайдиган текинхўрлар, сурбетлар ахири бир кун кўпчиликнинг қақшатқич зарбасига, хорзорликка йўлиқишлари муқаррар, деган хулосага келганки, бу бир қанча мақолларда ўз ифодасини топган: «Замона зулмни кўтармас»; «Зўравонлик охири вайронлик»; «Агар бўлсанг зўравон, ишинг бўлар кўп ёмон»; «Зўрга ҳам зўрдек бало бор»; «Зўрсинганга — худо бор, сум темирга — болға бор» (сум темир — қаттиқ темир); «Давлатти «лат»и бор» (лат емоқ — шикаст топмоқ. Бу мақол билан: «Давлатмандлар инсофли бўлмасалар ахири бир кун (зарбага учраб) шикаст топишлари мумкин», дейилмоқчи); «Бир кулгининг — бир йиғиси бор»; «Ўта севинган — ўта қайғурар»; «Роҳатда яшаган — роҳатсиз ўлар»; «Ишламай еган — оғримай ўлар»; «Золим ҳозир — мукаррам, Борар жойи — жаҳаннам» (мукаррам — ҳурматли, азиз); «Золимнинг жойи — жаҳаннам»; «Золим вахшийлик қилса, яхшилик топмас»; «Оқибати ёмон шохликдан — оқибати яхши гадолик яхши».

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 762

7731 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA